

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!



ИНСОН ва ҚОНУН

№ 5 (460) 2006 йил 7 феврал сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Xabar

Шу йилнинг 4 феврал куни Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳай'ат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2005 йил давомида адлия идоралари томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Ҳай'ат мажлисини Адлия вазири Бўритош Мустафоев бошқарди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ҳай'ат йиғилишида давлатимиз раҳбари белгилаб берган аниқ чора-тадбирлар натижасида 2005 йилда иқтисодийнинг жадал ўсиши таъминлангани, макроиктисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамлангани, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами ҳамда ҳақми салмоқли даражада ўсгани таъкидланди. Айтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда тўб иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим бўлиши даври бўлгани, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда муҳим қадам қўйилгани алоҳида қайд этилди.

Утган 2005 йил июн ойида Президентимиз томонидан қабул қилинган 5 та Фармон ва қарорлар тадбиркорларга, кичик ва хусусий бизнес субъектларини эркин фаолият юритиши учун кенг йўл очиб берди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини фаолиятини текширишни кескин қисқартириш, уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини судларга юклатиш ва ҳар хил руҳсатномалар берилишини соддалаштириш, ҳисоботиш топшириш муддатларини узятириш, талаб қилинадиган қўшимча ҳисоботлар турларини кескин камайитириш, солиқ ставкаларини энгиллаштириш, нақд пул тўловларини узуқсиз таъминлаш қарорларини каби кенг имкониятлар яратиб берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим ҳақининг бекор қилиш тўғрисида" ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонлари эълон қилиниши моҳият-эътибори суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур Фармонлар талабларидан келиб чиқиб, 2005 йилнинг 28 сентябрида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари ниҳоя қилиш бўйича Вақили (Омбудсман) ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида "Инсон

ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги Меморандум имзоланди. Мазкур Фармон ва қарорларнинг маъноси кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида адлия ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида 2497 та чиқиш қилинди. Жойларда тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи 1311 та ҳуқуқий-консалтинг фирмалари ташкил этилди.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ағона давлат сиёсатини амалга ошириш, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, иқтисодийни янада эркинлаштириш мақсадида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенати, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи идоралар билан ҳамкорлик кўчатирилди. Утган йил давомида вазирлик томонидан 999 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий хулосалар берилди. Бевосита вазирлик томонидан 81 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Ҳисобот даврида вазирлик томонидан 178 та халқаро шартномалар юзасидан ҳуқуқий хулосалар берилди. Адлия идоралари кичик ва хусусий тадбиркорлар, фермерлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоялашга ва шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилган таъсирчан механизмни қўллаб келмоқда.

Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибиде, тақдирнома киритиш йўли билан тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш, ноконуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш самарали натижасини бермоқда.

2005 йил давомида адлия идораларининг ташаббуси билан тадбиркорлар, инсон ҳуқуқлари, хорижий инвесторларнинг манфаатларини қўллаб

ҳамда шартномавий муносабатлардаги низолар юзасидан судларда жами 63,5 миллиард сўмлик ва 6,0 миллион АҚШ доллари миқдорда 20195 та даъво аризаси киритилиб, 44,9 миллиард сўмлик ва 8,1 миллион АҚШ доллари миқдордаги 18898 та даъво аризаси қаноатлантирилди.

7 миллиард сўмлик ва 233,5 минг АҚШ доллари миқдордаги 929 та даъво ариза бўйича айбдор мансабдор шахслар судлача ўз қилмишларига иқдор бўлгани ҳолда ноконуний қарорларни бекор қилиш ва тадбиркорга етказилган зарарларни қоплатди.

Аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга киритилган 3531 та тақдирномаларга асосан: -3569 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 349 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди; -давлат бошқарув идораларининг 1921 та ноконуний қарорини бекор қилинди.

Адлия идораларининг 317 та тақдирнома асосан 285 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 70 та тақдирнома асосан 17 нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири-бу жойларда ҳуқуқий тарғиботи тўғрисида йўлга қўйишдан иборатдир. Шу мақсадда 2005 йил давомида жами 23337 мартаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Жумладан, телевидениеда 1103 та кўрсатув ва радиода эса 1175 та эшитириш ташкил этилди. Булардан ташқари, газета ва журналларда 1310 тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш, ноконуний қарорларни бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиш самарали натижасини бермоқда.

Шунингдек, ҳай'ат йиғилишида адлия идораларини олдига турган келгусидаги вазифалар ҳам белгилаб олинди ва қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МИЛЛАТ ШАРАФИ

Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан репортаж

Кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аجدодларимиз ҳақида гапирганда, биринчилардан бўлиб улуг мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари кўз олдимизга келади. Чунки бу мўътабар зот миллатимиз шарафини кўкларга кўтарган. Юртимиз довуғини бутун оламга тараннум этган.

Ислом КАРИМОВ



Ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқларини кезсангиз, ҳар қадамда бир янгилик ва ўзгариш юз кўрсатаётгани, меҳнатидан рози одамлар ўзларининг яратувчилиги ва бунёдкорлик салоҳияти билан мўъжизалар ярататганига гувоҳ бўласиз.

Биргина Тошкент шаҳрида истиқлол йилларида юз кўрсатган ўзгаришлар, янги замонавий биноларнинг қад ростлаши, равоён йўллари, салобатли кўприклар, мўъжаз боғ-роғларни барпо этилиши пойтахтимизни чинакам муаззам шаҳарга айлантирди.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғимизда амалга оширилган эзгу ишлар ҳар биримизнинг ҳавасимизни ортттиради.

Кўпчилик яхши билади, бир вақтлар бу ерда солиқ Комсомол кўли бўлар эди. Кўлнинг теваарак-атрофини эса боши берк тор кўчалар ва пасткамгина лойшувок уйлар қуршаб олганди. Аслида иккита ёйсимон кўприк икки соҳилини боғлаб турган бу сунъий кўл 1939 йили гишт заводининг лой тайёрланадиган карьерини ўрнида пайдо бўлган эди. Бироқ орадан вақт ўтиши билан ўз ҳолига ташлаб қўйилган кўл жуда саёвзлашди, ботқоқлашиб, файзу тароватини йўқотди.

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлагач, мазкур кўлни ўз ичига олган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ барпо этиш ташаббусини илгари сурди.

Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, аниқроғи, 1991 йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон миллий боғи ва унинг тўғрига ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу маросимда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, жумладан, шундай деган эди: "Бунда мен халқимизнинг ўз улуг фарзанди-

га бўлган улкан меҳр-оқибатини кўраман. Алишер Навоий юртни, диёрни кўркам ҳосилдор боғлар оғушида кўришни орзу қиларди... Мен ишонаманки, Навоий ҳайкали ва боғи шаҳримизнинг, диёримизнинг энг гўзал ва асосий зибратгоҳи бўлиб қолади. Бу маскан йиллар, асрлар давомида катта халқ тантаналари, қарияларимиз, ёш авлодларимизга малҳам, руҳий мадад берадиган сеvimли ва мўътабар оромгоҳга айланади..."

Шу тарих мазкур худудда бекиёс ўзгаришлар юз кўрсата бошлади.

Албатта, буюк шоиримиз номи билан аталадиган Миллий боғ деганда кўпчилик мовий гумбазли муҳташам ҳавозани, мутафаккир шоиримизнинг улугвор ҳайкалини ва ҳар йили Наврўз байрами тантаналари бошлаб бериладиган кўркам сайилгоҳни кўз олдига келтиради. Холбуки, худуди акин йиллар ичида 100 гектардан ошиши кўзда тутилган Миллий боғ Бешёғоч майдонидан бошланиб, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасига-ча давом этади ва "Наврўз" ресторани ҳамда Тантаналар уйини, Олий Мажлиснинг муаззам биносини унга туташ бўлган иккинчи сунъий кўлни, фаворалар мажмуи ҳамда XIX асрда бунёд этилган тарихий обида — Абулқосим мадрасасини ўз ичига олади.

Миллий боғ бугун нафақат ўттиз мингдан ошмиқ аҳоли яшайдиган йирик мавзенинг, балки бутун пойтахтимизнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб турибди.

Давлатимиз раҳбари 2005 йилнинг феврал ойида Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Бешёғоч майдониде ҳам бўлиб, Алишер Навоий номидаги Миллий боғимиз-

ни янада обод қилиш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар билдирган эди. Шу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, Миллий боғни яхлит таъмирлаш бўйича мукамал дастур ишлаб чиқилди. Ва шу асосда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Босқичма-босқич амалга оширилган бу ишлар Миллий боғнинг тубдан қайта шаклланиши ва пойтахтнинг яшил камар ландшафти барпо этили-

шига замин яратди. 2005 йил Наврўз байрами арафасида боғни ора-лаб ўтган анҳор қайта таъмирланиб, қайроқтошли янги ўзганга солинди. Анҳор ёқасидаги йўл кенгайтирилди. Боғнинг кириш қисмида муаззам арк-дарвозаси барпо этилди. Шунингдек, кўлни қайта қуриш ишлари ниҳоясига етказилди.

Давлатимиз раҳбари тарихий кўлнинг азалий кўркини тиклаш учун замонавий асосда уни қайта

барпо этиш, атроф-муҳитда салқин микроклим яратиш, шу тарихи ушбу худудга тоза ҳаво олиб кириш масаласини алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, қурувчилар истироҳат боғидаги бирон-бир дарахта зигирча шикаст етказишмади. Кўлнинг табиий шакли, асл қурилиши сақлаб қолинди, шу билан бирга, унинг санитария ҳолатига, дренаж масаласига жиддий эътибор берилди.

(Давоми учинчи бетда)

ҲАФСАЛАСИЗЛИК

У ҚОРХОНАНИНГ БАНКРОТ БЎЛИШИГА ОЛИБ КЕЛДИ

Хоразм вилоят хўжалик суди яқинда воқоаси қўшма қорхоналардан бири "Даритал"нинг иқтисодий ноҳор (банкрот) ҳолатига тушганини расман эълон қилди. Сирасини айтганда, "Даритал" пойфазаласозлик қорхонаси ишларда эътиборидан қолди. Бунинг устига, инвесторлар қорхонанинг барқарор фаолиятига ишонқирамай қарашди. Оқибатда инвестиция мажбуриятлари боши берк кўчага кириб қолди. Бошқарув ва ишни ташкил этишдаги укв-сизлик, ҳафсаласизлик оқибатида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги пасайиб кетган, Ташки иқтисодий фаолият "Миллий банк"идан олинган йирик миқдордаги кредит ҳам наф бермади. Аниқроқ айтганда, олинган арзимас даромад катта ҳажмдаги харажати қопламади. Кредит банкнинг устама фоизлари ва жарималар билан ортиб борди ва унинг вақтида қай-

тарилмагани охир-оқибат қорхонанинг банкрот бўлишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳол кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. "Даритал"нинг қарзи билан боғлиқ муаммо дастлаб 2003 йил ноябр ойида кўтарилган эди. Ушанда вилоят хўжалик суди 912-сонли қарори билан қўшма қорхонага "Миллий банк"нинг Урганч бўлимидан 5,7 миллиард сўмлик кредиткорлик қарзини ҳамда 59,4 миллион сўмлик давлат божини чекиртирмай тўлаш мажбуриятини юклаганди. Бироқ маблағ тақислиги боис суднинг қарори бажа-рилмади. Маълумки, қарзни маблағ билан қоплаш имкони бўлмаганда ижро мол-мулкка қаратилади. "Даритал" ми-солида ҳам шундай бўлди: қонунга мувофиқ қорхона мулкни қим ошди сав-досига қўйилди. Аммо 4,6 миллиард сўмлик қорхона мулкига харидор топилмади. Қарзни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қоплашнинг ҳам иложи йўқ эди. Кредиторнинг фикрича, қарзни ун-

дириш имконлари қўлдан чиқарилган. Башарти, ижро вақтида ва талаб даражасида ўтказилганда қарз ундирилган, қорхона банкротлик ҳолатидан чиқиб олган бўларди. Албатта, қарздор тарафининг ҳам ўз важдари бор. Унга қўра, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармасининг давло қилишига ҳаққи йўқ. (Мазкур бошқарма ҳам судда даъвогар сифатида қатнашган). Боиси, бу бошқарма давлат-га қаршали мулкларнинг дахисизлиги билан шуғулланади. Мулкчиликнинг бошқа шаклларида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг молиявий юмушларига эса аралашмайди. Қарздор қорхонанинг мол-мулкда эса давлат улуши йўқ. Акциялар пакети хорижий ва маҳаллий (давлатдан ташқари) инвесторлар қўлида. Шу жиҳатдан қорхонани судга беришга мазкур бошқармани ҳаққи йўқ. Банк олди-даги қорхона қарзи кўп бўлса-да, солиқ ва иш ҳақи тўловлари бўйича бо-

Taassuf

қимандаликка даярли барҳам берилган.

Суд қароридан қарздор томон норози эмас, уни ижро қилиш лозим, деб ҳисоблайди. Агар ижро ҳаракатлари собитқадамлик билан ўтказилганда қарздорлик барҳам тоғлан ва банкротлик ҳақидаги масалани суд муҳокамасига тақдим этишга ҳоҳат қолмаган бўларди.

Урин келганда шуни айтиш керакки, қарздорнинг ушбу тақлифини асос-сиз, дея олмайсиз. Башарти тўловга имконият туғилса, судлашишга ҳоҳат қолармиди? Афсуски, бу масала анча жиддий. Қўлидан иш келадиган пойфазаласозларнинг қарийб бари қорхонадан кетиб қолган. Энг ачинарлики, ҳомашё ва бунинг учун талаб этиладиган маблағ йўқ. Шу ахлолда атиги 4,7 миллион сўмлик дебиторлик қарзи билан 5,1 миллиард сўмдан иборат кредиторлик қарзларини қоплаб бўлармикан?

Шуро давридаги мақсадсиз икти-сослаштириш оқибатида нанкин Урганч шаҳрида, балки Хонжа ва Гурлан туманларида ҳам йирик пойфазал ишлаб чиқариш қорхоналари пайдо бўлган эди. (Давоми иккинчи бетда)

КАСАНАЧИ КИМ? КАСАНАЧИЛИК НИМА?

Халқимизда "Хунар — хунардан унар", деган ҳикмат бор. Zero, хунари бор, бир касбнинг бошини ушлаган кишилар эл орасида ҳурмат-эътибор топишган. Бундай кишилар ҳақида: "Қўлида гулдай хунари бор", дейишади. Чунки хунар эгасининг турмуши фаровон, ҳаётдан кўнгли тўқ бўлади. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари қонун орқали ҳар томонлама ҳимояланган бир даврда хунар эгасининг қадди янада юксалди, турмуш шароити яхшиланди.

Давлатимиз иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оилалар даромадини оширишни кўзлаб, тадбиркорлик фаолиятининг янги йўл-йўриқларини яратиш ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасидаги тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик sanoat қорхонала-

ри билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони жуда кўплаб касб-хунарни юртдошларимизнинг кўнглиларидаги орзу-умидларга қаноат бағишлади.

Бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, бир сўз билан айтганда, ери ҳақиқий эгасига бериш борасида кенг қўламли ишлар олиб бориламоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

ЕР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Андижон вилоятида давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги "2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг амалий ижросини таъминлаш борасида жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор асосида 81 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер

хўжаликларига айлантирилгани ҳам бу фикрнинг яққол далилидир. Албатта, ери муносиб эгасига топшириш мураккаб ҳаракат. Агар бу бордада ноҳилоқлик ва адолатсизликка йўл қўйилса, бу эртага ҳаётимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу боис бу ҳар бир мутасадди ходимдан алоҳида масъулият, ҳолислик ва қонун талабларидан оғишмай иш

юритишни талаб қилади. Шу маънода айтиш керакки, олиб берилган тарғибот ишлари натижасида тугатилаётган 81 та ширкат хўжалигидан 1699 та пахта ва галлчилик бўйича лойиҳаларга жами 7656 нафар талабдордан ариза тушди. Бу ҳар бир лойиҳа учун ўртача 4-5 нафар талабгор кураш олиб борди, деган маънони аналтади. (Давоми иккинчи бетда)

Истиқлолимиз бизга Ватан озодлигини, мустақиллигини ва шу билан бирга, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини берди. Мамлакатимиз иқтисодиёти хусусий мулк эгаларининг кенг қўламли фаолиятлари туфайли тобора ривожланмоқда. Бунда, айниқса, мулкчилик шаклининг ўзгаргани, хусусий, шахсий ва жамоа мулклари таркиб топгани етакчи омил бўлаётди.

Бугунги кунда хусусий транспорт эгалари ўзларига қарашли енгил, юк автоуловлари, автобусларни давлат рўйхатидан ўтказиб, қонун-қоидага асосан белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлаб, катта даромад олишаётди. Айтиш мумкин, бундан ташқари қонун-қоидадан фойдаланган фуқароларимиз ўзлари топишган фойда ҳисобидан давлат бюджетига ҳам маълум миқдорда маблағ туширишмоқда.

ҚОНУН МУҚАММАЛ БЎЛСА...

ҳам давлат, ҳам фуқаро фойда кўради

лум мuddатга расмийлаштириб олишаётгани маълум бўлди. Ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилнинг ўн бир ойи давомида Қашқадарё вилояти бўйича 2739 та хусусий автотранспорт эгалари давлат рўйхатидан ўтиб, давлат бюджетига 380 миллион сўм маблағ туширилган. Шуларнинг 65 фоизи ҳужжатларини ишончнома ва нотариал идора орқали расмийлаштириб фаолият кўрсатаётган бўлса, фақат ишончнома билан ишлаётганлар ҳам кам эмас. Зеро, улардан давлат бюд-

жетига қўшимча равишда 247 миллион сўм тушиши лозим эди.

Энди бу рақамни Республика бўйича ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, катта миқдорда зарар кўрилатгани аён бўлади. Демак, фуқаролар томо-

Talab, taklif va mulohaza

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 декабрдаги қароридан **“Ижарага берилган мулк эгаси ва фойдаланувчи фуқаролар тенг равишда солиқ тўлашлари**

Ишончнома орқали ўз автотранспортини бошқаларга бериб фойда олаётган, бироқ давлатга мулк солик тўламаётган мулк эгалари ҳам топилади.

Солиқдан қочиб, ноқонуний даромад олувчилар фаолиятига тўсиқ қўядиган қонун-қоидалар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан назоратдан четда қолувчи, ишончнома орқали ўз транспортини ижарага берувчи фуқароларни назоратга олиш имкони туғилади.

Биз иқтисодиёти-мизнинг ривожланишига салбий таъсир этаётган ҳолатларнинг бир жиҳати хусусида қисқача сўз юритдик.

Хуқуқий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни юксалтириш учун эса ҳар бир фуқаро қонуний йўл билан топган даромадидан онгли равишда солиқ тўлаши шарт. Бундай интизом барчамизнинг мамлакат раъқати йўлидаги фуқаролик бурчимиздир.

Х.ЛУҚМОНОВ,
Қашқадарё вилояти



Равон йўллар

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Мисол учун айтаётганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартда қабул қилинган **“Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори ҳам моҳият-эътибори билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Албатта, бугунги ҳаётимиздан бундай савоб ва эзгу ишларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Бирок ҳаётда ана шундай хайрли ишлар амалга ошириладиган бир пайтда ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўядиган, бундан ҳам ёмони — нафс ҳуружда ўзгалар ҳақида хиёнат қилишдан ҳам тоймай-диган кимсаларнинг учраши кишини таажубга солади.

Бир мисол. “Андижон почтаси”га қарашли 12-алоқа бўлими хабарчиси ҳам ана шундай ноқонуний ишга қўл урди. Б.Ҳолиқов 2005 йил ойида 73 нафар пенсионерга тарқатилиши керак бўлган 1,6 миллион сўм нафақа пулларини, 77 нафар пенсионерга тўланиши лозим бўлган 204 минг 500 сўм компенсация, жами 1,8 миллион сўми йўлаб ҳам ўтирмай жиғилдониға урди.

Албатта, бировнинг ҳақи бировга буюрмайди. Кексалар нафақасига қўз олайтирган Б.Ҳолиқов ҳам бу нопок қилмиши учун тегишли жазо олди. Бундан ҳам ёмони, энди у ким деган

ЖИЁНАТ

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА

одам бўлди? Эртага эл-юрт, маҳалла-кўй олдида қандай бош кўтариб юради? Бунга қарагинки, “Халқ банк”нинг Куйганёр бўлими масъул ходимлари И.Ҳолдоров, Г.Умарова ва бошқалар ҳам нафс йўлида ҳеч нарсадан тоймас экан. Йўқса, улар аҳолининг иқтисодий муҳофазасига муҳтож катламга берилиши лозим бўлган 14 миллион сўм маблағни талон-тарож қилмаган бўларди. Шунингдек, шу банкнинг катта газначиси С.Тоҳиров, газначилар К.Ашуров ва Б.Зулунор олдиндан жиноий тил бириктириб, 3 миллион 78 минг 840 сўм нафақа пулларини ўзлаштиришган.

Нафс жазавага солса, айрим ман-

давлат бюджетига пенсия жағармаси маблағларидан 1 миллион 731 минг сўми ҳисобчи З.Усмонова билан тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириш орқали талон-тарож қилган.

Табиийки, уларнинг бу қилмиши ўзларига қимматга тушди, қонуний жазага тортилдиши.

Марҳамат туманидаги “Машъал” ширкат ҳужалигининг собиқ раиси М.Каримов, бош ҳисобчиси К.Хўжамбердиев ва газначи Б.Каримов ҳам кингир ишга қўл урганлари боис эл ичиде уялиб қолишди. Ачинарли томони шундаки, бу уювловч Узаро жиноий тил бириктириб, ҳўжалик аззо-

Ajab savdolar

ларининг иш ҳақиға йўналтирилган мақсадли транш маблағидан 13 миллион 960 минг сўми “туя” қилинган. Ҳолбуки, бу ҳўжалик аззолари — деҳқонларнинг пешона тери билан топган даромад эди.

Андижон туманидаги “Андижон чигит” қўшма корхонаси раҳбари А.Маниёвнинг қилмиши эса бундан ҳам ошиб тушади. У ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, банк муассасасидан 130 нафар ишчиларга иш ҳақи сифатида олинган 12 миллион сўм нақд пулдан 11 миллион сўмининг ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Бу ўрнида ҳам иш ҳақи, пенсия ва бошқа тўловларга ажратилган маблағнинг эгасига етказмай, омонатга хиёнат қилганлар қилмишларига яраша қонуний жазосини олдилари. Ўзлаштирилган маблағлар ундирилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, кингир ишининг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам қийди. Шундай экан, қонунни четлаб ўтман, ноқонуний бойлик ортираман, ўзгаларнинг ҳақини ўзлаштираман, деб ўйлайдиганлар хомтама бўлишди. Чўнки бундай кингир ишларга қўл урганлар бир кун келиб, албатта, эл-юрт олдида жавоб беришди.

МУҲИДДИН ИМИНОВ,
хуқуқшунос

Ажаб савдолар

ларининг иш ҳақиға йўналтирилган мақсадли транш маблағидан 13 миллион 960 минг сўми “туя” қилинган. Ҳолбуки, бу ҳўжалик аззолари — деҳқонларнинг пешона тери билан топган даромад эди.

Андижон туманидаги “Андижон чигит” қўшма корхонаси раҳбари А.Маниёвнинг қилмиши эса бундан ҳам ошиб тушади. У ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, банк муассасасидан 130 нафар ишчиларга иш ҳақи сифатида олинган 12 миллион сўм нақд пулдан 11 миллион сўмининг ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Бу ўрнида ҳам иш ҳақи, пенсия ва бошқа тўловларга ажратилган маблағнинг эгасига етказмай, омонатга хиёнат қилганлар қилмишларига яраша қонуний жазосини олдилари. Ўзлаштирилган маблағлар ундирилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, кингир ишининг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам қийди. Шундай экан, қонунни четлаб ўтман, ноқонуний бойлик ортираман, ўзгаларнинг ҳақини ўзлаштираман, деб ўйлайдиганлар хомтама бўлишди. Чўнки бундай кингир ишларга қўл урганлар бир кун келиб, албатта, эл-юрт олдида жавоб беришди.

МУҲИДДИН ИМИНОВ,
хуқуқшунос

XXI АСР НАФАСИ



МУНОСАБАТЛАР ЖИДДИЙЛАШМОҚДА

“Associated Press” ахборот агентлиги АҚШ конгресси агар зарурат бўлса, Эронга қарши ҳарбий ҳаракат бошланши қўллаб-қувватлаши ҳақидаги хабарни тарқатди. Агентлик тарқатган


нинг конференциясида шундай деган: —Биз Эроннинг ядро қуролига эга бўлишига жимгина қараб туролмай-миз. Аввало Эрон давлатига дипломатик санкция эълон қиламиз. Агар ушбу санкция иш бермаса, иқтисодий санкция эълон қилишга мажбуримиз. Бу санкция ҳам иш бермаса, ундан кейин ҳарбий куч ишлатишга мажбур бўламиз.

Конференция иштирокчиларининг “Конгресс аззолари ҳарбий куч ишлатишга сиёсий ҳақлари борми” деган саволларига Билл Фрист: —Менинг жавобим, ҳа. Сўзисиз, — деб жавоб берди.

ҚОЧОҚЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Маълумки, ўтган ҳафта-нинг жума куни Яман пойтахти Сана шаҳрида жойлашган турмалардан биридан 23 нафар “Ал-Қоида” гуруҳи

налисти Ольга Кирийга тан жароҳати етказган милиционерлар қўлга олинди.



Маълумотларга қараганда, 2 феврал куни кичик шаҳарчалардан биридаги болалар учун мўлжалланган автомат ўйинлар биносида портлаш юз берган. Бир неча соатдан сўнг етиб келган телевидение ходимлари воқеа жойидан ва портлаш натижасида тан жароҳати олган болалардан биридан касалхонадан телерепортаж тайёрлашга киришган. Қўтилмаганда касалхонада пайдо бўлган уч нафар милиционер жароҳат олган болалардан интервью олаётган Ольга Кирийга қўл кўтаришган.

Икки нафар милиция ходимини ушайтаддек қўлга олишган. Учинчи милиционер эса 6 феврал куни қўлга тушди. Қизғин, бу милиционерлар касалхонани қўриқлашмаган ва устига-устак учаласи ҳам маст ҳолатда бўлган.

Кеча журналистлар билан учрашган Промышленний тумани прокурори Виссарион Агаев шундай деди:

—Юз берган ҳолат бўйича Россия Жиноят кодексининг икки моддаси бўйича жиноят иши қўзғатилди. Айбдорлар, албатта, жазага тортилдилар...

СОВУҚ ФИНЛАРНИ ҲАМ ЧЕТЛАБ ЎТМАДИ

Бу йилги қиш дунё бўйича ҳам жуда каттик келди. Ўн йиллар давомида бир март қор ёғмаган мамлакатлар тўғрисида ёққан қордан оғир талофат қўрган ҳақида ҳар қуни телевизорда кўра-миз, интернет саҳифаларида ўқиймиз.

Бунга қараганки, айни кунларда қалин қор эмас, балки каттик совуқ Финляндия давлати иқтисодиётига жиддий зарар келтираётган экан. Чўнки совуқ жуда ҳам каттик бўлгани учун шаҳар атрофиға қатновчи поезларда ҳаракати издан чиққан. Шунингдек, шаҳар транспортни қатновчи ҳам қўнғилгаддек эмас. Чўнки қўнғилгаддек тушган қаттик совуқ поезд, электрикча, трамвай ва бошқа йўловчи ташиш транспортлари эшикларини музлаб қолиши ва тор-мозларини ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Интернет материаллари асосида **ДИПЛУМА ИСЛОМОВА** тайёрлади

МИЛЛАТ ШАРАФИ

Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан репортаж

(Давоми. Боши биринчи бетда) Шу мақсадда қўл олдида тўрт босқичли махсус сув тозалагич иншооти барпо этилди. Эндиликда сув мазкур иншоот орқали, лойқа ва чўқиндилардан тозаланган ҳолда қўлга ўтади. Чўқиндилар эса 460 метрлик махсус мосламалар орқали четга чиқариб ташланади.

Қўл соҳилига бетон ётқизиб чиқилди. Мавжуд икки оролча атрофи ҳам худди шундай ўраб қўйилди.

Қўлдаги болалар ва катталар чўқиндилардан ҳавзалар алоҳида алоҳида бўлиб, улар ўзига хос равишда, 1,20 метрдан 3,5 метргача бўлган чўқурликни ташқил этади.

Қўлнинг умумий саҳна 7 гектардан ортиқ, унинг ҳавзасига 18,5 минг куб метр сув сийғади. Бултўр ёзда ишга туширилган бу сув ҳавзаси болалар Бўрижар каналидан токи улўғ шоиримиз ҳайкали ёнигача бўлган ҳудудда яйраб чўқиндиларга шариот яратди.

Қурилиш жараёнида 50 минг куб метрдан ортиқ ҳажмдаги тўпроқ ишлари бажарилди, жами 700 миллион сўмлик иш амалга оширилди. Қўлдаги сув миқдорини бир маромада сақловчи ва мунтазам янгилаб турувчи иншоотлар қурилди.

Миллий боғдаги иншоотлар, ям-яшил дарахтлар, фавворалар ва амфитеатр, барча-барчаси гоёвий яхлитлик касб этди.

Шу тариха улўғ шоиримиз номидаги Миллий боғ янада гўзаллашди ва кексаю ёшнинг сеvimли масканига айланди.

— Ҳар гал Мир Алишер Навоий ҳазратларининг сиймолари таваллавланган ҳайкал пойғига гулчамбар қўйиб, ул зотнинг таваллуд кўнралига бағишланган мушоираларда қатнашар эканман, беихтиёр юрагим гурурга тўлади, — дейди шоир Рустам Мусурмон. — **Мустақиллик туфайли Миллий гуруминизга, ўзлғимиз ўзимизга қайтди.** Қадим қадриятларимиз тикланди. Наврўз, Қурбон Ҳайити ва шунга ўхшаш бошқа қўллаб-қўлланган миллий байрамларимиз қатори Навоий бобомизнинг туғилган куни ҳам ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонла-

надиган бўлди. Мустақиллик даврининг бир йили “Навоий йили”, деб эълон қилинди. Уша йили “Алишер Навоий йили”га бағишлаб Ўзбекистон Миллий боғи барпо этилди. Навоий асарлари композицияси бўйича боғнинг меъморий тархи қурилди. Рамзий равишда “Бахрул нажот” (“Нажот денгизи”), “Нахрул ҳаёт” (“Ҳаёт дарёси”) деб номланган анҳорлар, фаввора-ю қовулар барпо этилди.

Маълумки, улўғ шоиримизнинг мумтоз “Хамса”си XIV асрдаёқ Европа халқлари томонидан сеvimб ўқила бошлаган. Ўлмас жаҳоир 1570 йилда италян тилига, 1580 йилда эса грузин тилига таржима қилинган. Ҳирот, Венеция, Махшад, Табриз, Шоҳруҳия, Қоҳира каби қўлдан-қўл миннатюра мактаблари намойндалари бу ўлмас ҳазина мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, бетакрор асарлар яратишган.

Шу маънода, шоир таъбири билан айтганда, Ҳазрат Навоий дунё аҳли кўнглини ўз қалами, ўлмас шеърляти билан забт этган.

Айни шу кунларда мумтоз “Хамса” лотин имлосида гўзал безаклар билан нардан чиқарилаётгани маърифат аҳлини хушнуд этади.

Айнан мустақиллик йилларида Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлари тўплами тўлиқ нашр этилди. Навоий номидаги Давлат муқофоти, Навоий стипендияси таъсис этилди.

Ҳазрат таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан Навоий шаҳрида шоир номидаги гўзал ва мухташам боғ яратилиб, шу жойни зиёратгоҳга айлантирилиши ва улўғ шоиримизнинг муаззам ҳайкали барпо этилиши ҳаммамизнинг дилчимизга гурур ва қувонч бағишлаган.

Мустақил Ўзбекистон давлатига ҳурмат рамзи сифатида ҳорийик мамлакатларда ҳам Навоийга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Жумладан, Япониянинг Соко университетига, Россиянинг Москва шаҳрида Навоий ҳазратларининг улўғвор

хайкаллари қад ростлади. Яқинда жаҳон миқёсида интернетда ўзбек миллий адабиётига бағишланган алоҳида сайт очилди. Мазкур сайт беvosита Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган маълумотлар билан бошланади.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик яратиб берган имкониятлардир.

— Шаҳримиздаги ҳар бир ўзгариниш астойдил кузатиб бораман, — дейди кекса журналист Юнус Зиёдов. — **Ҳозир пойтахтимиз ўн саккиз кунлик таъин олдик очилиб кетди.** Айниқса, Алишер Навоий номидаги Миллий боғимиз ўзгача қўрқ ва фусун касб этиб, шаҳримиз чиройига чирой қўшиб турибди. Боққа олиб кирувчи мухташам дарвоза, қайта қурилган ва беқимс жозима касб этган суний қўнғил ва анҳорнинг бугунги мафтункорлиги, Тантаналар майдончаси, барча-барчаси бу ерда сайр этиб юрган ҳамшаҳарларимизга ўзгача завоқ-шавқ бағишлайди. Ва болалар юрагиде унутилмас таассуротлар қолдиради. Бунда кўпчиликнинг хиссаси бор, албатта, лекин унинг асосий меъмори Исом Каримов деб биланам.

Бугун Миллий боғимиз халқимизнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланган. Бу муаззам гўшада қачон қараманг, ширинтой набираларини етаклаган отахон-у онахонлар, бир-бирига қўнғил берган йигит-қизлар Миллий боғимизга фойз қиритиб, уни тўлдириб юрганини қўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг 14 йиллик улўғ шодийларидан мана шу масканда, айём арафасида бунёд этилган қўрқам тантаналар майдониде нишонланди. Кейин Миллий боғимизда халқ сайли ва концертлар давом этди.

Юртбошимизнинг Алишер Навоий даҳосига кексиз ҳурмат-эҳтироми улўғ аждодларга, тарихимизга меҳру муҳаббат ифодасидир. Узини ҳурмат қилган халқини мана шундай олинажоб ишлар қилади, улўғларини бошиға кўтарди.

Ш.ҲАМРОЕВ

Jinoyat va jazo

Бу ҳаётда ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди. Ҳар қандай мақсад, ниятни рўёбга чиқариш учун киши жиддий саёй-ҳаракат, фидойилик кўрсатади, ўрни келса, машаққат ҳам чекади. Аммо оддийгина фарзанд тарбиясини олиб кўрайлик. Инсон зиммасида бундан ҳам масъулятли ва нозик вазифа йўқ аслида.

АЛҲОСИЛ, ТАРБИЯ...

Донишмандлардан бири фарзанд тарбияси давлатни бошқаришдан ҳам мураккаброқ вазифароқ эканлигини таъкидлайди. Теранроқ мушоҳада қилиб кўрсак, бу фикр замирида катта ҳаётий ҳақиқат бор.

Нега деганда, фарзанд ҳаёт шамшироғи, умр давомида қиссаналди. Шу маънода унинг тарбияси, муносиб инсон бўлиб воға етиши йўлидаги саёй-ҳаракат энг шарафли вазифа саналади.

Бирок ҳаётда барча ота-она ҳам фарзанд тарбиясига бирдек масъулят билан ёндашмайди. Анқироқ айтганда, фарзандининг тарбиясидан қўра, ўзининг қўнғил қўнғилини муҳим, деб биландиган ота-оналар ҳам ораимизда йўқ эмас. Афсуски, бундай ота-онанинг хатоси ҳаётда беиз кетмайди. Бундан ҳам ачинарлики шундаки, уларнинг хатоси нафақат ўзига, балки хамиятга ҳам таъсир қилади.

Келинг, шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар ёрдамида давом эттирайлик.

Суднинг қора қўрсисида ўтирган қиз — Дибра (исм-шарифи ўзгартириб берилмоқда) эндиғина йигирма беш ёшни қоралаган. Ҳали турмушга чиқмаган, ҳеч қаро бо бо маҳалла-қўйда уятдан бош кўтаролмай қолганди.

Ҳўш, Дибра нега суднинг қора қўрсисиде ўтирибди? У

СУД ОЧЕРКИ

қиз бола боши билан қандай муносабат қўл урди?

Маълум бўлишича, унинг онаси Шарифа опа турмуш ўртоғи билан тиниб-тиничиб кетолмаган, бир неча йил илгарии икки қиз, яъни Дибра ва Дилноза билан отаси Нурмат Содиковнинг уйига қелиб яшай бошлаган. Турмушининг бўлишишга эса Шарифанинг бироз енгил табиатлиги сабаб бўлган. Чўнки Шарифа ҳеч қачон ўзидан ортиб қизи тарбиясига жиддий эътибор бермаган, ҳаммасини ўз ҳолиға ташлаб қўйган. Шундай нотоза муҳитда ўсган қизнинг келажакига ишонч билан қараб бўладими?!

Йўқ, албатта. Дибра ҳам воға етган, “қўча қизи”ға айланган. Унинг ҳаёти издан чиққан, деврли хар кун спиритли ичимликлар истеъмол қилар ва турли туман эркакларнинг қўнғилини “ов”ларди. Вақт ўтиб ўзининг бу “хўнари”дан уялмай ҳам қўйди. Бунинг устига онаси — Шарифа опа қизини буткул ўз ҳолиға ташлаб қўйган эди.

Фақат Дибранинг бобоси Нурмат ака бу осонда қийдай олмай хўноби ошар, чўнки бобо маҳалла-қўйда уятдан бош кўтаролмай қолганди.

Аммо Нурмат ака набира-

сига шунчаки насиҳат қилишдан нариға ўтолмасди. Бобоси сўз бошлаган заҳотиёқ Дибра:

— Мен ўзимга ўзим жиноятман. Қўнғилим нимани тўсаса, шунини қиламан. Насихатингиз ўзингизга сийлов, — дея бобиллаб берарди.

Ҳатто бир кун жазаваға тўлганда Дибра бобосига қўл қўтаришдан ҳам қайтмади. Ушанда унга нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган эди. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Орадан уч йил ўтган, яна шундай ҳолат такрорланди ва унга суд ҳўкми билан 2 ойлик қамоқ жазоси тайинланди.

Аммо Дибра шундан сўнг ҳам ақлини йиғиб олиш ҳақида ўйлаб кўрмади. Аксинча, у жазони ўтаб бўлган, яна саёй юришини қўймади. Устига-устак бобоси билан қўнра жанжаллашшини қанда қилмасди. Аҳийри, тоқати-тоқ бўлган Нурмат ота маҳалла оқсоқоллари иштирокида Дибрани ховлидан ҳайдаб чиқаришдан бошқа чораси қолмади.

Табиийки, бундай муносабат туфайли Дибранинг қўнғилида бобосига нисбатан йиғилиб ётган адоват баттар аланга олди ва у бир кун келиб, албатта, ўч олишини дилиға тугиб қўйди.

(Давоми т

Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир. Шу боис бу маскан билан боғлиқ ҳар қандай муаммонинг узил-кесил ҳал этилиши, ҳеч шубҳасиз, эртанги кунимиз ёруғ, фарзандларимиз баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ



Албатта оилани аҳил-тотувлигини, унинг илдизи мустаҳкам бўлишини таъминлаш йўлидаги бу сайёҳаракатлар ўзининг самарасини бермоқда. Биргина мисол, 2005 йилда туманимизда олдинги 2004 йилга нисбатан никоҳдан ажралишини қайд этти 80 тага камаядиган.

ни батафсил тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Хукуматимиз келажак авлод тақдирини учун гамхўрлик кўрсатган, ҳатто тиббий қўриқдан бепул ўтишни йўлга қўйгани, бунинг учун жуда катта маблағ ажратилган уқтирилади.

Jamiyatimiz maqsadi

Юртбошимиз таъкидлаганидек, оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг соғломлиги ва давонийлигини таъминлашдан, урф-одатларимизни сақлашдан, шу билан бирга келажак етти-сизига бевосита таъсир кўрсатишдан тарбия учундир. Шундай экан, оила саломатлиги, авлод бардавонлиги нечоғли муҳим вазифа эканлигини барчамиз бирдек англамоғимиз ва бу борадаги ҳар қандай ҳаракатларнинг амалга оширилишига масъулият билан ёндашмоғимиз лозим.

Шоҳиста ПУЛТОВА, хуқуқшунос

Sirli dunyo

ТИРИКЛИК СУВИ... БОРМИ!?

ёхуд ҳақиқатга айланаётган ривоятлар ҳақида

Одам боласи пайдо бўлиб-дики, ҳаммаша абадий ҳаёт манбаини қидиради. Агар тарихий китобларни varaқласангиз, бу ҳақда турфа ривоятлар-у, турфа ҳикоятларга гувоҳ бўласиз. Лекин дунёнинг турли бурчақларида яшовчи, бошқа-бошқа тилларда сўзлашувчи, энг асосийси, турли асрларда умргузаронлик қилган кишиларнинг абадий ҳаёт манбаини тўғрисидаги фикрлари аксарият ҳолларда бир нуктада кесишади. Яъни барча қаҳрамонлар оби ҳаёт — инсонга абадий яшаш қувватини берувчи тириклик сувини қидиришган.

Яна қадимги манбаларда Крит оролларида истиқомат қилган шоир Эпименида у юз ёшга кирганида ҳақиқат маълумотлар учрайдими? Бундан қарангки, Эпименида ҳам ўз ёшлигини сақлаб қолиш ва узоқ яшаш учун махсус дорилар истеъмол қилган ва узоқ яшаш сирини ҳеч кимга айтмай ўзи билан нарги дунёга олиб кетган экан.

Португалиялик тарихчи олим эса ўз асариди у юз ёшга етмиш ёшга кирган хинду билан учрашиб, суҳбатлашгани ҳақида ёзиб қолдирган. Шунингдек, тарихий китобларда Гао оролларида яшаб, тўрт юз ёшда вафот этган Фукаро ҳақида ҳам сўз боради. 1050-1433 йилларда Хиндистонда яшаган муслимон уламоларидан бири ҳам у юзю саксон уч йил умргузаронлик қилган экан.

Урта асрларда фалсафа илми билан шуғулланган Роджер Бэкон ҳам абадий ҳаёт сирларини ўрганиб, бу ҳақда асар ёзиб қолдирган. Роджер Папалюс исмли немис фуқароси билан танишиб қолган ҳақида шундай ёзади. Папалюс узоқ йиллар сарацинлар қўлида асирда бўлган ва ўзининг айтишича, асирлик пайтида сарацинларнинг узоқ умр қўриш мақсадида тайёрлаётган махфий дориларининг сирини билиб олган. У асирликдан озод бўлиб, ўз юртига қайтган, ўша доридан тайёрлаб ичган ва роппа-роса беш юз йил яшаган экан. Бундан қарангки, Папалюс ҳам ушбу дорининг тайёрланиши ҳақида Роджерга ҳеч нарса айтмаган.

Худди шундай узоқ умр қўрган одамлар бизнинг давримизда ҳам бор. Масалан, хитойлик Ли Цаньоние исм сарацинлик 1690 йилда туғилиб, 1936 йилда вафот этган. Демак, роппа-роса 246 йил яшаган. У ўз умри давомида 24 марта уйланган ва барча хотинларидан фарзанд қўрган. Бу эса унинг икки юз йилдан кейин ҳам йигитлик қувватини йўқотмаганлигидан дарак беради.

1770-1956 йилларда Хиндистонда яшаган Тапасвиджи исм-шарифли фуқаро ҳам кам эмас, кўп эмас, роппа-роса 186 йил умр қўрган. Унинг ҳикоя қилишича, у элик ёшга киргунга қадар оддий фуқаролар қатори яшаган. Элик ёшдан ошгандан сўнггина Химолай тоғларига чиқиб кетган. У тоғ чўққиларида узоқ яшаш сирларини ўрганган. Шунингдек, у йогларнинг мураккаб машқлари билан ўз танасини мустаҳкамлаган.

Тапасвиджи ўз хотирлариди шундай ёзади: — Бир кун Химолай чўққисиди ўрта яшар бир одам билан учрашиб қолдим. У қўрқинишдан жуда тетик ва бардам эди. Фақатгина бугунги замонавий ҳинд тилини тушумас экан. Биз у билан қадимий, ҳинд тили хитобини махфий саноқти тилида мулоқот қилдик. Унинг айтишига қараганда, тоғда яшай бошлаганда беш миғ йил бўлибди. Бу давр мобайнида у фақатгина мева ва суг билан озиқланиб экан. Шунингдек, у суҳбатимиз орасида сирини фақатгина ўзига маълум бўлган доривор восита ҳақида ҳам гапирди. Қанча яши-нмиш-ёвормайин ушбу дорининг қандай тайёрланиши ҳақида ҳеч нарса айтмади...

Хуллас, тарих саҳифаларини varaқласангиз, бундай мисолларни истасангизча топишнинг-гиз мумкин. Чунки узоқ умр қўрувчи инсонлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Балки кун келиб тиниб-тинимас олимлар "тириклик суви"ни кашф қилишар ҳам. Лекин ҳозирча...

Албатта, ҳамма ҳам узоқ яшашни хоҳлайди. Қариганда бировга қарам бўлмасдан соғлом ва тетик бўлишни истайди. Лекин узоқ яшаш сирини фақатгина қандайдир "тириклик суви"ни махсус дориларга боғлиқ эмаслигини ҳам унутиб қўймайсиз қўрақ. Чунки инсон ўз яшаш тарзини тартибга солиб, энг аввало, қўнғилин тоза тутиб, ундан кейин озоқлик ва ўз вақтида овқатланишга қўнқиса, булар бўлмасда асабийлик-масдан, ўзини ва атрофидагиларини асраша, шубҳасиз, узоқ умр қўради. Демак, узоқ яшашнинг йиллик умри давомида фақатгина "тириклик суви"ни топишга ёки яратишга ҳаракат қилган. Ва ниҳоят, ўши олтимшга

М.ФОДУРОВ тайёрлади

Charxi kajraftor

БЕОЗОР ЖОНИВОРНИНГ "ОЗОР"И

Одатда, уй ҳайвонлари орасида кўй энг ювош ва беозор жонивор, деб аталади. Лекин ҳар доим ҳам бундай қараш тўғри келавермас экан... Никольс Лискинс тумани аҳолисига, хусусан, қарияларга ҳовлида боқилган бир кўчқор ҳамиша таҳдид қиларди. Бу жониворнинг айёрлигини қарангки, у ҳар кун эртадан кечгача панароқ жойга бекиниб олиб, кўчадан бирор-бир қария ўтишини пойлар экан.

Бирорта кампир ёки чол кўриниши билан катта тезликда унга қараб югуриб қоларкан. Яқин-яқингача унинг бу каби "томоша"лари жиддий талофатларсиз тугаган эди. Шунинг учун ҳам жабранувчиларнинг уни аллақачон сўйиб, кабоб қилиш ҳақидаги таклифлари рад этиларди. Рад этилишининг яна бир сабаби эса, у жуда зотдор кўчқор эди. Бирок яқинда у кўрсатган томоша қутилмаганда фожаия билан тугади.

Гап шундаки, у навбатдаги жабранувчинини, яъни ёши ўтиб қолган аёлни то кўни-кўшилар, яқин атрофдагилар ёрдамга етиб келгунга қадар ерга ётқизиб, ўткир шохлари билан роса сўзди. Кўрсатилган ёрдамга қарамай, ётказилган жиддий жароҳатлар натижасида аёл шифохонада вафот этди. Шундан сўнг милициянинг талаби билан «жаноятчи» олий жазога ҳукм қилинди.

БОҒИЧНИ БОҒЛАДИМ, ХОЛОС

Британиянинг Кембридж шаҳридан Фицуильяма музейига ташир буюрган бир қимса бундан 300 йил аввал ясалган. Цин судоласи даврига мансуб уч дона хитой кўзасини синдириб қўйди. АРР агентлигининг хабарига қараганда, воқеа унинг арзимас эҳтиётсизли-

ги туфайли содир бўлган. Яъни у оёқ кийими боғичини боғлаётми, нақ вазаларнинг рўпарасида йиқилиб тугшган. Қимматбаҳо кўрғазма ашёларининг майда бўлақларга бўлиниб кетганига қарамай, музей ходимлари уни қайта тиклашни ваъда қилишмоқда.

Гулноза ЖУМАЕВА тайёрлади

Фойдали уй ҳайвонлари

Уй ҳайвонлари инсон учун ҳамиша кўмақдош. Бунинг ҳамма билади. Лекин уларнинг турли хас-тадиклар даъво бўлишини ҳамма ҳам билавермас керак. Олимлар ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра, ит — паришонхотирлик юрак касалликлари, қон айланishi ва бод касаллиги билан оғриганларга дардан халос бўлишда шерик бўлар экан.

Бу ҳайвон эгасини, яъни хаста кишиларни ҳамиша ҳаракат қилишга мажбурлайди. Мушук ҳам кам ҳаракат қилмаганлар, шунингдек, ёш болалар ва ёлғиз кишилар учун фойдалидир. Бу эрка жониворларни силаган кишининг асаблари тинчланиб, артериал қон босимини тушатилади. Тўтиқуш ва канарейка-

лар эса тўшақда узоқ вақт ётишга мажбур бўлган кишиларга энг яхши ҳамроҳ бўла олар экан. Кушларнинг ёқимли сайраши ва чиройли овози кайфиятни кўтариб, тезроқ тузалиб кетишга ундар экан. Баликлар эса ваҳима хасталигига йўлиққан, асабий одамларни «даъволайди» деб ёзади "Нью-Йорк таймс" газетаси.

Суд очерки

жон уйига келиб, ювиниб-таранди. Йиртилган кийимларини алмаштириб, эндигина нафас ростлаб турган эди, ҳовлида яна Фанижон пайдо бўлди. У Аҳаджонни хотини Нафисанинг олдида курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлашга тушди.

— Сени ўлдирман, — дея у ваҳожат билан Аҳаджонга ташланди. Бунинг қўриб Нафиса азбаройи қўрқанидан ҳушидан кетиб, ерга йиқилди.

Хотинининг ҳушидан кетиши Аҳаджоннинг сабр касосини тўлдирди. Кун бўйи тақдирлангани етмагандек, бу бедодлик уни шундай газабини келтирдикки, охири-оқибат у ўзини бошқара олмай қолди, айвонда турган ошпичоқни қўлига олиб, Фанижоннинг кўрақ қафасига қандай санганини билмай қолди. Шундан сўнг ҳовлида қий-чув, тўс-тўполон бошланди. Зум ўтмай ун беш йилгирма чоғли одам йиғилди. Қайси-дир қўшинининг чакирғи билан етиб келган "Тез ёрдам" Фанижонни

АЛҲОСИЛ, ТАРБИЯ...

Суд шуларни инобатга олиб, судланувчига жазо тайинланди. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний тарбия, унинг инсон ҳаётдаги ўрни ҳақида фикр юритиб, шундай қолган: "Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳалокат, ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир". Яъни, инсонни қимматлиққа элтувчи ҳам, алу-эрт олдида шарманда-у шармисор этувчи ҳам унинг тарбиясидир. Қўрқиниб турибдики, юқоридики хар иккала жиноятни келтириб чиқарган ягона омил ҳам бу — тарбиясизликдир. Эътибор беринг, дастлабки жиноятда Н.Содиқов Дирерни хар қанча тарбияга чакирмасин, (бунинг учун ҳатто қалтак еса ҳам) Шарифа она қизининг тарбиясига нисбатан бепарво ва лоқайд муносабатини ўзгартирмаган. Ўйюса, қизи шу пайтдан бир эмас, икки мартаба судланган. Бу ҳам майли, ўша оила-

бирдан қўй сотиб олади. Кеч соат 16:00ларда эса қўйни олиб келиш учун машина ахтариб, катта йўлга чиқади. Бу пайтда "ДАМАС" автомашинасида қирақашлик билан шуғулланадиган ҳамқишлоғи — Аҳаджон Комиллов 5-6 нафар йўловчинини Кўқон шаҳридан қишлоқ марказига олиб келибганди. Фанижон унинг йўлини тўсди, тўхтади.

— Бир кишидан қўй сотиб олганман, шунинг уйига олиб келиб бергин. Пулат сен билан бирга боради, — деди у ёнида турган ёшгина йигитни кўрабти.

— Бугун вақтим йўқ, мўлжаллаган ишларим бор эди, — узрини айтиди Аҳаджон.

Аммо бу жавобдан Фанижоннинг жаҳли чикди. — Хали қишлоқда ҳеч ким меннинг гапимни икки қилмаган. Шунинг биласанми, ўзи?! — дея у дўқ урдди.

Аҳаджон эса босиқлик билан вақтинг йўқлигини яна тушунтирди. Аммо Фанижон баттар тўтоқиб, қутилмаган. Шунда ён-атрофдаги ва машинада ўтирган йўловчилар уларни ажратиб



Уйғунлик

Jinoyat va jazo

нинг яқинлари, қолаверса, қўни-қўшилар, маҳалла фаоллари нега томошабин бўлиб туришди? Иккинчи воқеада ҳам худди шу ҳолни кузатиш мумкин. Яъни Фанижон маҳалладошлари, ҳамқишлоқларига нисбатан ҳар қанча зуравонлик қилиб, ўз ҳукмини ўтказмасин, ҳеч ким унинг мушугини пишт демаган. Ҳатто маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари ва профилактика инспектори ҳам бунга эътиборсиз қарашган. Хар икки ҳолатда ҳам бир оиланинг ютуғи бутун маҳалла, қишлоқнинг муваффақияти эканлиги ёки бир оиладаги фожеа бутун худуднинг нотинчилиги эканлиги бирор қимсани ўйлантирмаган.

Баъзан бир болага етти маҳалла ота-она деган нақлга амал қилиб, қайси-дир қўшининг беодоб фарзандини тартибга чакиратган кишиларни учратиб қоламиз. Бунга пайтда аксарият ота-оналар ўша кишига миннатдорчилик билдириш ўрнига фарзандларини ҳимоя қилишди. Ваҳоланки, эртага ана шу беодоб фарзанд бирор-бир "хунар" қўрмасади, бегонларнинг эстаги ҳам кўймайди. Лекин ота-онаси қон йиғлайди.

Хулоса шунки, бу ҳаётда инсонни ҳеч нарса тарбия сингари улуғлайди. Тарбия қўрган одам эса ҳаёт мазмунини чўқур англайди, ўзининг ва ўзганининг умри қадрига етиб яшайди.

Яшин УРИНБОВ, Хушид СУЛТОНОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ИНСОН ВА ҚОНУН МУАСССА: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1996 йилнинг январидан нашр этилади	Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Бўриғош МУСТАҒОФОВ Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ Пулат САМАТОВ Мажхуда РАЖАБОВА Хушид СОДИҚОВ	Сайт муҳаррири: РАҲИМОВ Махмуд САТТОРОВ Ислом ХАМРО Норейли НОРПУЛТОВ	Тахририятга юборилган қўлма-лар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрисидаги умумий масъулият муаллифлар зиммасидадир.	Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ	Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририят компьютер базасида тартибда ва саҳифаланди. А-2 бичими, 2 бома табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-317. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00. Тошйирлиди — 22.30	МАЪНИЛИМИЗ: 700407, Тошкент ш. Сайтлар қўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50 2 3 4 5 6
---	---	--	--	---	--	---	--